

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ**

**МАРДОНОВ БАҲОДИР БАХРОНОВИЧ**

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ  
ОШИРИШ**

**08.00.05-Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**Самарқанд - 2018 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1PhD/Iqt24 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.sies.uz](http://www.sies.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мухаммедов Мурод Мухаммедович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Эргашев Раҳматулла Хидирович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ҳамидов Обиджон Ҳафизович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.18.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «26» май соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темура кўчаси, 9 уй. Тел: (3662) 33-38-72, Факс: (3662) 31-12-53, E-mail: [sies\\_info@edu.uz](mailto:sies_info@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№007 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., Шохруҳ кўчаси, 60-уй. Тел.: (99866)231-07-45

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М.Э.Пўлатов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

**И.С.Тухлиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

**М.Қ.Пардаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида хизмат кўрсатиш соҳаси жаҳон иқтисодиётининг асосий соҳаси сифатида ўзининг салмоқли ҳиссасига эга. Жаҳон яши маҳсулотининг 62-74 фоизи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келади<sup>1</sup>. Иқтисодиёти юксак ривожланган Ғарб мамлакатларида хизмат кўрсатиш соҳаси миллий иқтисодиётнинг устун ривожланган, биринчи даражали секторига айланди.

Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида хизмат кўрсатиш соҳаси жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг миллий иқтисодиётни юксалтиришдаги, янги иш ўринларини яратишдаги, мамлакат аҳолисини иш билан таъминлашдаги ҳамда аҳолининг ҳаёт фаровонлигини оширишдаги ва бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ҳаракатлантирувчи омили сифатидаги роли тобора ортиб бормоқда. Мамлакатда хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳолининг иқтисодиётда банд аҳоли сонидagi улуши тобора ўсиб бормоқда. Лекин у ривожланган мамлакатлар эришган даражага нисбатан ҳали анча кам. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ушбу соҳани жадал ривожлантириш кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва унда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва унда аҳоли бандлигини ошириш бўйича хорижий тажрибалардан мақбул фойдаланишни тақозо этади.

Жаҳон иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлашдаги роли ошиб бормоқда. Иқтисодиёти юксак ривожланган Ғарб мамлакатларида иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 70 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади<sup>2</sup>. Инновацион иқтисодиёт шароитида меҳнат унумдорлигининг тез суръатлар билан ўсиши натижасида хизматлар соҳасида аҳоли бандлигини таъминлаш муаммоларининг долзарблиги янада ошади. Шу жиҳатдан, хорижий тажрибалар асосида хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ва унинг янги иш ўринларини яратишдаги ролини ошириш масалалари бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 12 сентябр ПҚ-3268-сон «Аҳолининг кам таъминланган катламларини қўллаб-қувватлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги «2016 — 2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги

<sup>1</sup> <http://bukvi.ru>

<sup>2</sup> Пастухов А.Л. Ускорение развития сферы услуг как необходимое условие модернизации экономики // Экономика и экономические науки, 2012.-№20. – С.80-85.

№55-сонли Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хизмат кўрсатиш соҳаси, унинг моҳияти, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда тутган ўрни, ушбу соҳани ривожлантириш масалалари ҳақида иқтисодчи олимлар томонидан бир-қанча илмий-амалий ишлар олиб борилган. А.Смит, Ж.Б.Сей, А.Маршалл, Й.Шумпетер, Ж.М.Кейнс<sup>3</sup> ва бошқаларнинг тадқиқотлари шулар жумласидандир.

МДҲ мамлакатларида ҳам бу борада кенг миқёсда илмий тадқиқот ишлари бажарилган. З.И.Беликина, О.Н.Балаева, М.Д.Предводителева, Т.Д.Бурменко, Е.А.Разомасова, М.М.Хайкин<sup>4</sup> ва бошқалар хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва амалий масалаларига катта эътибор қаратишган. Ўзбекистонда ҳам хизмат кўрсатиш соҳаси муаммоларига бағишланган илмий изланишлар олиб борган олимларимиздан С.С.Ғуломов, Н.Т.Тухлиев, Ё.А.Абдуллаев, М.М.Мухаммедов, М.Қ.Пардаев, Ғ.Ҳ.Қудратов, И.С.Тухлиев, Қ.Ж.Мирзаев, Б.А.Абдукаримов, Э.С.Файзиев, Т.Т.Ташмуратовларни<sup>5</sup> кўрсатиш мумкин. Улар ўз илмий изланишларида мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий-услубий муаммоларини тадқиқ этганлар.

---

<sup>3</sup>Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Пер. с англ. Майбурда Е.М.. М.: 1993, -152 с.; Сей Ж.Б. Тракт по политической экономии. М.: Дело, 2000.; Маршалл А. Принципы экономической науки / Пер. с англ. -М., 1993. Т.1, -311с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития / Пер. с нем. Автономова В.С. и др. -М., 1982; Кейнс Ж.М.. Общая теория занятости, процентов и денег. Пер. с англ.-М., 1978.- 576 с.

<sup>4</sup> Беликина З.И. Экономика: учебно-методический комплекс. - М.: Проспект, 2015. -224 с.; Балаева О.Н., Предводителева М.Д. Управление организациями сферы услуг. Учеб. пособие/ : Гос. У-нта Высшей школы экономики, -М.: Изд дом., Гос. У-нта, 2010.-155 с.; Бурменко Т.Д. Сфера услуг: экономика, менеджмент, маркетинг. Практикум: учебное пособие / кол. авторов; под ред. Бурменко Т.Д. — М.: КНОРУС, 2010. — 424 с.; Разомасова Е.А. Сфера услуг: теория, состояние и развитие: монография / Разомасова Е.А.; НОУ ВПО Центросоюза РФ «Сибирский университет потребительской кооперации». -Новосибирск, 2011.-136 с.; Хайкин М.М, Логистика в сфере услуг : учебное пособие . – СПб. : Изд-во СПбГУЭФ, 2012. – 112 с.

<sup>5</sup> Ғуломов С.С., Додобоев Ю.Т. Политика доходов и заработной платы: Учебное пособие. -Т.: Янги аср авлоди, 2001.-230 с.; Тухлиев Н.Т., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана.- Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.-367 с.; Абдуллаев Ё.А. Бозор иқтисодиёти асослари. -Т.: Меҳнат, 2002.-297 б. Мухаммедов М.М. Норасмий бандлик: сабаблари, оқибатлари ва қисқартириш йўллари. Монография.- Т.: IQTISODIYOT, 2015.-155 б.; Пардаев М.Қ. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётининг айрим муаммолари. Монография. -Т.: Навруз, 2014.-264 б.; Қудратов Ғ.Ҳ. Сервис ривож- аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. -Т.: Фан ва технология, 2007.-32 б.; Тухлиев И.С.ва бошқалар. Туризмни режалаштириш. Дарслик. -Т.: Иқтисод-молия, 2010.-264 б.; Мирзаев Қ.Ж. Агро сервисни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. –Т.: Фан ва технология, 2007.-16 б.; Абдукаримов Б.А. Корхона иқтисодиёти. Дарслик.-Т.: Фан, 2005.-288 б.; Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Ўқув кўлланма. - Самарқанд, 2010.-172 б.; Ташмуратов Т.Т..Халқаро туризм.-Т.: Турон-Иқбол, 2007.-320 б.

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий изланишларида мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий ва амалий жиҳатлари кенг ёритиб берилган. Лекин иқтисодиётда банд аҳолининг ярми ушбу соҳа улушига тўғри келишига қарамасдан, унинг ишсизлик муаммосини бартараф этишдаги роли чуқур ва атрофлича ўрганилмаган. Шу сабабли, хизмат кўрсатиш соҳасини ва унинг алоҳида тармоқларини жадал ривожлантириш, хизматлар турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш асосида аҳоли бандлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни ечишга қаратилган илмий изланишлар олиб бориш Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида ўта муҳим аҳамият касб этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳамда ФА-Ф7-003 «Миллий иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш асосида унинг турмуш даражасини ошириш муаммолари» мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар йўналишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон миллий иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини ошириш бўйича илмий-услубий тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

хизмат кўрсатиш соҳасининг миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги ўрни ва аҳамиятини асослаб бериш;

хизмат кўрсатиш соҳаси ва макроиқтисодий кўрсаткичлар, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тадқиқ этиш;

моддий ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг ошиши оқибатида бандлик муаммоларининг кескинлашуви ва ушбу муаммоларни ечишда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ва вазифаларини асослаб бериш;

хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этиш;

хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати ва тараққиётига таъсир этувчи ташқи ва ички омилларни илмий таҳлил қилиш ва баҳолаш;

аҳоли эҳтиёжларини қондириш нуқтаи назаридан хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида тармоқларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

хизмат кўрсатиш соҳасини комплекс ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги ролини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг тармоқлари (соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот, таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш каби тармоқлар) ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** хизмат кўрсатиш соҳасида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашга оид иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, статистик ва эконометрик моделлаштириш, истиқболли прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳар бир ходимига тўғри келадиган аҳоли сони кўрсаткичларини қўллаш асосида соҳада аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятларини аниқлаш усули такомиллаштирилган;

хизмат кўрсатиш соҳасида иш ўринлари сонини режалаштиришда аҳолининг хизматларга бўлган эҳтиёжини ҳисоблаш тартиби ишлаб чиқилган;

минтақада маҳаллалар кесимида хизмат кўрсатиш корхоналарини жойлаштириш йўллари асослаб берилган, соғлиқни сақлаш тармоғи мисолида аҳолининг хизматлар билан таъминланганлик даражасининг меъёри ишлаб чиқилган;

хизмат кўрсатиш корхоналарида аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим йўналиши сифатида кадрлар қўнимсизлик даражасини пасайтириш йўллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ўз аксини топади:

«хизмат» тушунчасининг моҳиятини очишда мавжуд ёндашувларга қўшимча равишда истеъмолчи нуқтаи назаридан ёндашиш зарурлиги асослаб берилган;

аҳоли бандлигини таъминлашда соғлиқни сақлаш, маориф, маданият, молия, кредит ва хизмат кўрсатиш соҳасининг бошқа тармоқларида янги иш ўринларини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва унда банд аҳоли сонига таъсир кўрсатувчи иш ҳақи, меҳнат унумдорлиги, инвестиция, аҳолининг пул даромадлари, харажатлари ва жамғармалари, моддий бойлик захираси каби омиллар ва кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденциялари аниқланган;

хизмат кўрсатиш соҳасини баҳолашда аҳолини хизматлар билан таъминланганлик даражаси кўрсаткичини қўллашга оид янги услубий ёндашув ишлаб чиқилган;

хизмат кўрсатиш соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат бозорида талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш имкониятлари асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Таҳлил жараёнида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги, ишда келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда ишлаб чиқилган илмий тавсиялардан

фойдаланиш мумкинлиги, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини тез суръатлар билан ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини ошириш концепциясининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини ошириш йўллари бўйича қабул қилинаётган қонун ва қонун ости ҳужжатлари, Президент қарорлари, фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва соҳага оид бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлигини ошириш юзасидан олинган илмий тавсиялар асосида:

соҳанинг ҳар бир ходимига тўғри келадиган аҳоли сони кўрсаткичларини қўллаш асосида аҳолини хизматлар билан таъминланганлик даражасини баҳолашнинг такомиллаштирилган усули Самарқанд вилояти бандлик бош бошқармаси томонидан «Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш» дастурини ишлаб чиқишда қўлланилган (2018 йил 17 январдаги 6-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Жомбой туманида 40 та, Иштихон туманида 42 та, Булунғур туманида 36 та янги иш ўринлари яратиш лозимлиги асослаб берилган ва шунча иш ўринларини яратиш вазифаси туманларнинг «Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш» дастурига киритилган;

хизмат кўрсатиш соҳасида иш ўринлари сонини режалаштиришда аҳолининг хизматларга бўлган эҳтиёжини ҳисоблаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан вилоятларда ҳудудий бандлик дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланишлари тавсия этилган (Самарқанд вилояти бандлик бош бошқармасининг 2018 йил 30 январдаги 02-06/488-сон маълумотномаси). Ушбу тартибдан Самарқанд вилояти бандлик бош бошқармаси томонидан «Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш» дастурини ишлаб чиқишда қўлланилган. Бунинг натижасида Самарқанд шаҳридаги соғлиқни сақлаш муассасаларида 245 нафар олий маълумотли шифокорларга, 113 нафар ўрта маълумотли мутахассисларга, ҳаммаси бўлиб 358 нафар тиббий ходимларга қўшимча эҳтиёж борлиги аниқланган;

минтақада маҳаллалар кесимида хизмат кўрсатиш корхоналарини жойлаштириш бўйича хизматлар билан таъминланганлик даражасининг ишлаб чиқилган меъёри Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармасида «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» ҳудудий дастурида шаҳар ва туманларда маиший хизмат комплексларни ташкил этишда фойдаланилди (2017 йил 14 декабрь 6-сон маълумотомаси). Бунинг натижасида маҳалла ҳудудларида хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилди ва уларда 105 та янги иш ўринлари яратилди;

хизмат кўрсатиш корхоналарида аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим йўналиши сифатида кадрлар кўнимсизлиги даражасини пасайтириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиядан Самарқанд вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида фойдаланилган (2017 йил 22 февраль 3-сон маълумотномаси). Илмий тавсиядан фойдаланиш натижасида 2016 йилда 2015 йилга нисбатан кадрлар кўнимсизлик даражаси Агросаноат мажмуи ходимлари, қасаба уюшма тизимида қарашли бўлган корхоналарда 2 фоизга, Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси тизимидаги корхоналарда 1,5 фоизга, Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшма тизимидаги корхоналарда эса 3 фоизга пасайган. Шунингдек, ушбу тармоқ қасаба уюшмалари тизимидаги корхоналарда ишдан сабабсиз бўшаш ҳолатлари 2016 йилда 2015 йилга нисбатан ўртача қарийб 3 фоизга камайган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, 2 та хорижий журналларда, 15 таси конференция материаллари ва маъруза тезислари шаклида эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Унда 27 та жадвал, 4 та расм, 6 та иловалар мавжуд. Ишнинг умумий ҳажми 130 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий асослари**»га бағишланган бўлиб, унда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг зарурияти ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, хизмат кўрсатиш соҳасини баҳолашга доир услубий ёндашувлар, моддий ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг ошиши оқибатида бандлик муаммоларининг кескинлашуви шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси олдида турган вазифалар келтирилган ва шу боб бўйича алоҳида хулосалар қилинган.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш босқичлари узоқ тарихий давр мобайнида шаклланган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, хизмат кўрсатиш соҳаси босиб ўтган тарихий йўл мураккаб ва унда вужудга келган илмий нуқтаи назарлар, қарашлар, ғоялар эса кўп ва кенг мазмунга эга. Лекин, шунга қарамасдан, хизмат кўрсатиш соҳасининг бир қатор муҳим назарий муаммолари пухта ишлаб чиқилмаган ҳамда асослаб берилмаган. Хизмат кўрсатиш соҳасига доир назарий масалалардаги ноаниқликлар, чалкашликлар, бир-бирига зид бўлган илмий қарашларнинг мавжудлиги соҳани ривожлантиришнинг амалий ечимларини топишда катта салбий таъсир кўрсатиши муқаррар.

Иқтисодчи олимларнинг хизмат кўрсатиш соҳасини меҳнат жараёни нуқтаи назаридан, ЯИМ ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан, давлат нуқтаи назаридан, меҳнат эгаси нуқтаи назаридан, мулк эгаси манфаатлари нуқтаи назаридан, инсоний фазилатлар нуқтаи назаридан, жамият тараққиёти нуқтаи назаридан баҳолаш лозимлиги ҳақида фикр-мулоҳазалари мавжуд. Дарҳақиқат, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида хизмат кўрсатиш соҳаси бир неча тармоқларни ва юзлаб хизмат турларини ўзида мужассамлаштирган кенг қамровли соҳа, унда кечаётган иқтисодий жараёнлар эса мураккаб ва хилма-хилдир. Бугунги кунда ушбу соҳага миллий иқтисодиётнинг катта миқдордаги ресурслари (меҳнат, молия, табиий ресурслар ва бошқалар) жалб этилган. Шу сабабли хизмат кўрсатиш соҳасини баҳолашда жамиятнинг ҳам, давлатнинг ҳам, соҳада банд бўлган кўп сонли ишчи-хизматчи ходимларнинг ҳам, ўз мулки билан иштирок этаётган минглаб мулк соҳиблари ва тадбиркорларнинг ҳам манфаатлари эътиборга олиниши лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бир қаторда, бизнинг назаримизда, хизмат кўрсатиш соҳасининг моҳиятини очишда ва унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги мавқеини баҳолашда, биринчи навбатда, истеъмолчининг манфаатлари эътиборга олиниши лозим, яъни хизмат кўрсатиш соҳаси, унинг алоҳида тармоқлари, ҳар бир тармоқ таркибидаги кўп сонли хўжалик субъектларининг фаолиятини истеъмолчи, унинг хизматларга бўлган эҳтиёжининг қондирилиш даражаси нуқтаи назаридан баҳолаш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки эркин бозор муносабатлари шароитида истеъмолчи қирол сифатида намоён бўлади. Барча давлат бошқарув органларининг, тадбиркорларнинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолияти авваламбор истеъмолчининг манфаатига асосланади, унинг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Хизмат кўрсатиш соҳасини истеъмолчи нуқтаи назаридан қараш ва баҳолаш, ханузгача «хизмат» тушунчасининг моҳиятини очишдаги мавжуд турли хил ёндашувларга, ушбу соҳа иқтисодиётнинг бирламчи ёки иккиламчи сектори эканлиги тўғрисидаги қизғин баҳс-тортишувларга аниқлик киритиш, қолаверса, соҳани истиқболда юксалтириш муаммоларининг амалий ечимларини излаб топиш ва асослаб бериш имконини беради. Биз амалга оширган илмий-тадқиқот олдида қўйилган мақсадга эришишда ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини айнан истеъмолчи нуқтаи назаридан қараш муҳим аҳамият касб этади. Шулардан келиб чиқиб, унга қуйидагича таъриф

беришни лозим топдик: хизмат - умумиктисодий категория бўлиб, у истеъмолчилар эҳтиёжини қондиришга (оғирини енгил, узоғини яқин, мушкулини осон қилишга) ва уларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилан меҳнат фаолиятининг кенг тарқалган туридир.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати ёки ривожланиш тенденцияларини тавсифлаганда ҳамда унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги мавқеини баҳолаганда, одатда, ушбу соҳада ишлаб чиқарилган ЯИМнинг хажми ёки унда банд бўлган аҳоли сони ва бошқа айрим нисбий кўрсаткичлар қўлланилади. Кундалик ҳаётимизда кенг қўлланиладиган ушбу кўрсаткичлар макроиктисодий таҳлил нуқтаи назаридан муҳим ва аҳамиятли бўлишлигига қарамасдан, улар асосан, соҳада эришилган марра ва ютуқларни, натижаларни тасдиқловчи миқдор ёки нисбат кўрсаткичи сифатида намоён бўлади. Лекин улар истеъмолчиларнинг хизматларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш даражаси ва сифати ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш учун етарли эмас. Ушбу соҳада ишлаб чиқарилган хизматлар хажмининг мутлоқ миқдори ва унинг мамлакат ЯИМ даги улуши ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар хажмининг ўртача миқдори, хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли сони ва унинг миллий иқтисодиётда банд бўлган жами аҳоли сонидаги улуши каби кўрсаткичлар воситасида ушбу соҳанинг ривожланганлик даражаси ва қўлга киритилган умумий натижалар ҳақида маълум бир тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Лекин, улар ёрдамида аҳолининг қайси хизмат турига эҳтиёжлари қай даражада қондирилаётганлиги, кўрсатилган хизматларнинг сифати ҳақида маълумотга эга бўлолмаймиз. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ишда хизмат кўрсатиш соҳасини баҳолашда янги услубий ёндашувлар таклиф этилди ва уларни қўллаш йўллари асослаб берилди. Ушбу мақсадда бир қатор янги кўрсаткичлар ишлаб чиқилди (1-жадвал).

Хизмат кўрсатиш соҳасини истиқболда ривожлантириш учун мавжуд имкониятларни аниқлашда жадвалда келтирилган кўрсаткичлардан фойдаланиш соҳада аҳоли бандлигини ошириш муаммоларини ечишда ижобий самара беради. Чунки, аҳоли эҳтиёжлари хизматлар билан етарли даражада таъминланмаса, ҳар қандай жараён меъёрдагидек содир бўлмаслиги ёки керакли натижаларни бермаслиги ҳам мумкин. Аксинча, тармоқ керагидан кўп таъминланган бўлса, унинг корхоналари учун ортиқча сарф-харажатларни юзага келишига сабаб бўлади. Бизнинг фикримизга кўра, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболларини ва шунга мос равишда соҳа тармоқларидаги умумий сарф-харажатларни, жумладан, меҳнат сарфларини аҳолининг сифатли хизматлар билан таъминланганлик даражаси кўрсаткичлари билан боғлаш назарий жиҳатдан ҳам, амалий нуқтаи назардан ҳам жуда муҳим ва шу сабабли унга жиддий эътибор қаратилиши лозим.

**Хизмат кўрсатиш соҳасини баҳолашда тавсия этилган кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш тартиби<sup>6</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳ	Кўрсаткичлар ёрдамида аниқланадиган ҳолат
1	Аҳолини хизматлар билан таъминланганлик даражаси	$ХТД_{д.а} = \frac{Д_{а.с} - ХКС_{б.а}}{ХКС_{б.а}}$	ХТД <sub>д.а</sub> - аҳолини хизматлар билан таъминланганлик даражаси; Д <sub>а.с</sub> -доимий аҳоли сони; ХКС <sub>б.а</sub> - хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳоли сони.	Хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган ҳар бир кишига мамлакат аҳолисининг неча кишиси тўғри келиши аниқланади.
2	Аҳолини хизмат кўрсатиш соҳасининг муайян бир тармоғидаги хизматлар билан таъминланганлик даражаси	$ХТД_{т} = \frac{Д_{а.с} - ХКС_{т.б.а}}{ХКС_{т.б.а}}$	ХТД <sub>т</sub> - аҳолини хизмат кўрсатиш соҳасининг муайян бир тармоғидаги хизматлар билан таъминланганлик даражаси; Д <sub>а.с</sub> -доимий аҳоли сони; ХКС <sub>т.б.а</sub> - хизмат кўрсатиш соҳасининг муайян бир тармоғидаги банд ходимлар сони.	Хизмат кўрсатиш соҳасининг муайян бир тармоғида банд бўлган ҳар бир кишига мамлакат аҳолисининг неча кишиси тўғри келиши аниқланади.
3	Аҳолини сифатли хизматлар билан таъминланганлик даражаси	$ХТД_{о.м} = \frac{Д_{а.с} - ХКС_{о.м.х}}{ХКС_{о.м.х}}$	ХТД <sub>о.м</sub> - аҳолини сифатли хизматлар билан таъминланганлик даражаси; Д <sub>а.с</sub> -доимий аҳоли сони; ХКС <sub>о.м.х</sub> -хизмат кўрсатиш соҳасидаги олий маълумотли ходимлар сони.	Хизмат кўрсатиш соҳасидаги олий маълумотли бир ходимга мамлакат аҳолисининг неча кишиси тўғри келиши аниқланади.

Диссертациянинг иккинчи боби «Хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати ва унинг аҳоли бандлигига таъсирини таҳлил қилиш ва баҳолаш»га бағишланган бўлиб, унда хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари, унинг ўзгаришига таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар таҳлили, хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлашга таъсирини баҳолаш масалалари батафсил баён қилинган.

<sup>6</sup> Муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

Аҳолининг хизматлар билан таъминланганлик даражасини аниқлаш мақсадида Самарқанд вилоятининг 12 та маҳалласида тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқотлар натижасида маҳалла ҳудудларида хизмат кўрсатиш корхоналарининг нотекис жойлашганлиги аниқланди. Қўшработ туманидаги «Майин тепа» маҳалласида 1 та гўшт дўкон, 1 та дорихона, 2 та савдо дўконлари, 1 та саргарошхона шу ҳудудда истиқомат қилувчи 3006 кишига ёки 457 хонадон соҳибларига хизмат қилмоқда. Қўшработ туманидаги «Юқори сарой» маҳалласининг 2978 аҳолисига 1 та қишлоқ врачлик пункти, 1 та тикувчилик, 1 та саргарошхона, 2 та дуродгорлик хизмати, 1 та автомашиналарга техник хизмат кўрсатадиган шаҳобча, 3 та савдо дўкони, 1 та пойафзал таъмирлаш устaxonаси хизмат кўрсатади. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга асосан, маҳаллаларда хизмат кўрсатиш корхоналари маҳалла аҳолисининг эҳтиёжларини тўла қондиришга қодир эмас. Шунингдек, тадқиқотлар 12 маҳалладан атиги 4 тасида дорихона мавжудлигини кўрсатди. Маҳаллаларда хизмат кўрсатиш корхоналарини аҳоли сонига ёки хонадонларга нисбатан ҳисобласак, ундан ҳам кам бўлади. Шунинг учун ҳам, айрим маҳалла фуқаролари шаҳар марказларига бориб, турли хизматлардан, шу жумладан, автомашиналарга техник хизмат кўрсатиш, саргарошлик, дурадгорлик, дорихона, тикувчилик ва бошқа маиший хизматлардан фойдаланишади. Бу, ўз навбатида, улар вақтларининг кўп қисми йўлларга сарфланишига, ортиқча харажатларнинг эса кўпайишига олиб келади.

Ўрганилган маҳаллаларнинг ҳар икки хонадонидан биттаси енгил автомобилга, хонадонлардан яримидан кўпи шахсий компьютерларга, ҳар уч хонадондан биттаси кондиционерга эга. Демак, маҳаллаларда автомашиналар учун техник хизмат кўрсатадиган шаҳобчаларга, шахсий компьютерлар ва кондиционерлар, кир ювиш машиналарни ўрнатиш ва таъмирлаш, мобиль телефонларни созлаш каби хизматларга эҳтиёж катта. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда аҳолини хизматлар билан таъминланганлик меъёрлари ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу меъёрлар асосида минтақалар бўйича хизмат кўрсатиш корхоналарининг сони қанча бўлиши кераклиги аниқланади. Биз тадқиқот ўтказган маҳаллалардаги аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналарини ана шу меъёрлар билан таққослаганимизда, айрим маҳаллаларда хизмат кўрсатиш корхоналари меъёрдан кўплиги, айримларида эса меъёрдан кам эканлигини аниқладик. Лекин биз ушбу меъёрларга айрим ўзгартиришлар киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки, ҳозирги даврда 1000 кишига 1 дона савдо дўконининг хизмат кўрсатиши аҳолини хизматлар билан тўлиқ ва сифатли таъминлай олмайди. Шунингдек, аҳоли даромадларининг ошиши, бўш вақтининг кўпайиши уларнинг хизматларга бўлган талабларини ошиб боришига олиб келади. Шунинг учун ҳам, ушбу меъёрларни халқаро талаблар асосида (постиндустриал жамиятга қўйилган талаблар) қайтадан ишлаб чиқиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодиётда янги иш ўринларини яратиш катта миқдордаги молиявий ресурсларни жалб этишни тақозо этади. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзига хос хусусиятларига кўра, унинг тармоқларида бир иш ўрнини яратиш учун нисбатан анча кам маблағ сарфланади. Шу билан бир қаторда, хизмат

кўрсатиш соҳаси янги иш ўринларини яратиш билан боғлиқ харажатларни қисқа муддатларда қоплаш имкониятига ҳам эга. Тадқиқотлар жараёнида хизмат кўрсатиш соҳасининг соғлиқни сақлаш тармоғи Самарқанд вилоятининг шаҳар ва туманлардаги оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктлари мисолида ўрганилганда, олий маълумотли мутахассисларга эҳтиёж борлигини ҳамда тиббий хизматларни такомиллаштириш лозимлигини кўрсатди. 2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 9-сон оилавий поликлиниканинг олий маълумотли шифокорига маҳалла аҳолисининг 900 нафар, 3-сон оилавий поликлиниканинг олий маълумотли шифокорига маҳалла аҳолисининг 1347 нафар, 4-сонли оилавий поликлиникада эса олий маълумотли шифокорига 952 нафар маҳалла аҳолиси тўғри келади.

## 2-жадвал

### Самарқанд шаҳар ва туманларида аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш ҳолати (2016 йил)<sup>7</sup>

№	Поликлиникалар	Олий маълумотли ходимлар (киши)	Ўрта маълумотли ходимлар (киши)	Тиббий хизмат кўрсатилаётган маҳалла ва аҳоли сони		Қабул қилиш қуввати (киши)	Ўртача бир кунда ташрифлар сони (киши)
				маҳалла (та)	аҳоли (киши)		
1	9-оилавий поликлиника	21	33	6	18198	200	40-50
2	3-оилавий поликлиника	46	143	33	61962	238	45-55
3	4-оилавий поликлиника	42	75	26	40004	270	45-60
4	Тайлоқ тумани «Талли - ота» номли қишлоқ врачлик пункти	1	15	2	4519	-	22
5	Самарқанд туман Андижони қишлоқ врачлик пункти	5	15	2	1428	52	17-20

Ваҳоланки, соғлиқни сақлаш тармоғи ривожланган мамлакатларда жумладан, Францияда ҳар минг кишига 3 нафар олий маълумотли шифокорлар (ҳар бир олий маълумотли шифокорга 333 нафар мамлакат аҳолиси) хизмат кўрсатади<sup>8</sup>. Шу нуқтаи назардан қаралганда 9-сонли оилавий поликлиникада 35 нафар, 3-сонли оилавий поликлиникада 139 нафар, 4-сонли оилавий поликлиникада 78 нафар ва Тайлоқ туманидаги «Талли-ота» номли қишлоқ врачлик пунктларида 12 нафар жами бўлиб, 264 нафар олий маълумотли шифокорларга эҳтиёж бор ва шунча янги иш ўринлари яратиш лозим. Тадқиқотларимиз яна «Қишлоқ врачлик пунктининг штат нормативлари»ни ҳам ўзгартириш лозимлигини аниқлади. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти минг кишига 3 нафар олий маълумотли шифокор тўғри келиши мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаган. Аммо, бизларда 2000

<sup>7</sup> Жадвал Самарқанд шаҳар оилавий поликлиникалар ва туман қишлоқ врачлик пунктлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

<sup>8</sup> Орлов А. Медпрактикум. Свободная медицина свободной Франции. Деловой партнер.uz // №15(991) 11-17 апрель 2013 г., -21 с.

нафар аҳолига 1,5 штат олий маълумотли шифокор тўғри келиши белгиланган<sup>9</sup>. Бу Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти эътироф этаётган меъёрдан 4,5 штат бирликда кам. Демак, соғлиқни сақлаш тармоғида тиббиёт ходимларини иш билан таъминлаш имкониятлари кенг.

Ишсизлик муаммосини ҳал этишнинг самарали усули унинг олдини олишдир. Ишсизлик муаммосини келиб чиқиш сабаблари чуқур ва тўлалигича ўрганилмас экан ёки унинг олди олинмас экан, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ҳам ўз ечимини топмайди. Ишсизлик корхоналарда кўп жихатдан «кадрларнинг кўнимсизлиги» натижасида юзага келади. Хизмат кўрсатиш корхоналарида кадрлар кўнимсизлигининг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида аниқ ва эътиборга молик маълумотлар деярли йўқ. Бу борада аниқ ҳисоблар ҳам юритилмайди. Амалдаги статистик ҳисоботларда ҳам кадрларни ишдан бўшаш сабаблари кўрсатилмайди, фақатгина ишга қабул қилганлар ва ишдан кетганлар сони келтирилади. Статистик ҳисоботларнинг маълумотлари ёрдамида фақатгина кадрлар кўнимсизлик даражасини аниқлашда ва уларни баҳолашда фойдаланиш мумкин. Ушбу маълумотлар корхоналарда кадрлар кўнимсизлиги сабабларини ўрганиш, олдини олиш ва уларни ҳал этиш учун етарли эмас. Шу сабабли биз хизмат кўрсатиш корхоналарида ишдан бўшаётган ходимларни ишдан бўшаш сабабларини ўрганиш мақсадида махсус шаклдаги сўровномалардан фойдаланишни тавсия этамиз ва ушбу сўровномаларни хизмат кўрсатиш корхоналарида доимий юритиладиган ҳамда ҳисобот шаклида сақланадиган ҳужжатлар туркумига киритилишини таклиф этамиз.

Моддий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар сонининг нисбий қисқариши, айниқса, қишлоқ хўжалигида кескин тус олмоқда ва бу тенденция ҳали анча узоқ давом этади деган хулоса чиқариш учун керакли далил ва асослар бор. Ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигида банд аҳоли иқтисодиётда банд аҳолининг 2,7 фоизини, жумладан: Буюк Британияда -2,6 фоизни, АҚШда -3,3 фоизни, Германияда -5,5 фоизни ташкил этади. Бизда эса бу кўрсаткич 2016 йилда 27,4 фоизни ташкил этди. Келажакда меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалигига илғор технологияларни киритиш, механизациялаштириш ишларини кучайтириш жараёнлари давом этади. Ҳисоб-китоблар республикамизда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирмаган ҳолда меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига бир миллиондан ортиқ ишчи кучини бўшатиш мумкинлигини кўрсатди. Агар мамлакат иқтисодиётидаги банд аҳолининг 2,7 фоизи қишлоқ хўжалигида бандлиги таъминласа, у ҳолда тармоқдан 3547,0 минг киши қисқаради. Ҳисоб-китобларимиз бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганларнинг ўртача йиллик меҳнат унумдорлиги 14057,4 минг сўмни ташкил этган. Қишлоқ хўжалигидаги ортиқча меҳнат ресурсларини хизмат кўрсатиш соҳасида банд қилиб, улар ҳам ўртача 14057,4 минг сўмлик хизмат кўрсатсалар, унда жами 49861,7 млрд сўмлик

---

<sup>9</sup> Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2014 йил 3 мартда Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари билан келишилган ҳолда тасдиқланган «Қишлоқ врачлик пунктининг штат нормативлари»

кўшимча хизматлар яратилади ва бу ЯИМни қарийб 25,0 фоизга оширади ва айна бир пайтда, аҳолининг хизматлар билан таъминланганлик кўрсаткичлари сезиларли даражада ўзгаради ҳамда аҳолининг сифат даражаси юқори бўлган хизматларга эҳтиёжи янада тўлароқ кондирилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шу орқали аҳоли бандлигини ошириш имкониятларини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ва шу асосда ҳали ишга солинмаган имкониятларни излаб топишни тақозо этади. Тадқиқотлар натижасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига таъсир этиши мумкин бўлган омиллар аниқланди. Ушбу омилларнинг натижавий белгига таъсирини аниқлаш учун корреляцион таҳлил усулларидадан фойдаланилди. Сўнгра регрессия–корреляция усуллари ёрдамида кўп омилли регрессия тенгламаси тузилди. Амалга оширилган ҳисоб-китоб натижалари 3-жадвалда келтирилган.

### 3 - жадвал

#### Хизмат кўрсатиш соҳасида яратилган маҳсулот хажмига таъсир этувчи омилларнинг корреляцион боғлиқлиги

№	Омиллар	Корреляция коэффициентлари
1	аҳолининг пул даромадлари	0,99587
2	хизмат кўрсатиш соҳасига киритилган инвестиция	0,81125
3	хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳоли	0,96447
4	хизмат кўрсатиш соҳасининг моддий бойлик захираси	0,98587
5	хизмат кўрсатиш соҳасининг айланма маблағлари	0,97363
6	аҳолининг пул харажатлари	0,99742
7	аҳолининг пул жамғармалари	0,99254
8	хизмат кўрсатиш соҳасининг меҳнат унумдорлиги	0,99232

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, натижавий белгининг ошишига  $x_1$ ,  $x_6$  ҳамда  $x_7$  омилларнинг таъсири катта. Қолган омиллар эса унча катта аҳамиятга эга эмас.

Кўп омилли регрессия тенгламасини тузиш учун чизиқли функция танланди:

$$y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + a_3x_3 + a_4x_4 + a_5x_5 + a_6x_6; \quad (1)$$

Ушбу танланган функциянинг кўп омилли корреляция коэффициенти ҳисобланди. Чизиқли тенглама учун бу кўрсаткич  $R = 0,981$ га тенг бўлди. Регрессия тенгламасининг номаълум параметрларини ( $a_0, a_1, a_2 \dots a_6$ ) аниқлашда Гаусс усулидан фойдаланилди.

Ҳисоб-китоб натижалари қуйидаги регрессия тенгламасини аниқлаш имконини берди:

$$Y = 267.51 + 0.76x_1 + 1.33x_6 - 2.27x_7; \quad (2)$$

Кўп омилли корреляция коэффициенти регрессия тенгламасини  $t$ -Стюдент<sup>10</sup> мезони ёрдамида унинг ишончилиги текширилди. Тадқиқот

<sup>10</sup> Львовский Е.Н. Статистические методы построения эмпирических формул: учеб. пособие для вузов. – 2-е изд., перераб. и доп. – М., 1988. – С. 70.

ишида корреляция коэффициентининг иқтисодий моҳиятини аниқлаш мақсадида эластиклик коэффициенти ҳисобланди. Бу Я.Р.Магнус, П.К.Катышев ҳамда А.А.Пересецкийларнинг эконометрика кўлланмаларидаги жадвалидан фойдаланган ҳолда ҳисобланди<sup>11</sup>.

Бунга кўра, аҳолининг пул даромадлари ( $x_1$ ) нинг 1 фоизга ўзгариши хизмат кўрсатиш соҳасида яратилган маҳсулот ҳажмини 0,76 фоизга кўпайишига, аҳолининг пул харажатларининг ( $x_6$ ) 1 фоизга ошиши унинг 1,33 фоизга кўпайишига, шунингдек аҳолининг пул жамғармаларининг ( $x_7$ ) 1 фоизга кўпайиши эса хизмат кўрсатиш соҳасида яратиладиган маҳсулот ҳажмининг 2,27 фоизга камайишига олиб келади.

Ишда хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлигини оширишга таъсир этадиган омиллар аниқланди. Ушбу омилларнинг натижавий белгига таъсирини аниқлаш учун корреляцион таҳлил усулларида фойдаланилди.

Регрессия тенгламасини тузишда унда иштирок этаётган омилларнинг натижавий белгига таъсирининг муҳимлик даражаси баҳоланди. Бунга кўра, натижавий белгининг ўзгаришига  $x_1$ ,  $x_3$  ҳамда  $x_4$  омилларнинг таъсири катта ва қолган омиллар таъсирининг унча катта аҳамиятга эга эмаслиги аниқланди. Регрессиянинг барча турдаги тенгламаларида хизмат кўрсатиш соҳасидаги аҳоли бандлигига турли омилларнинг турли даражада боғлиқлиги аниқланди ва бу боғланишда  $R = 0,977$  бўлган қуйидаги чизиқли регрессия тенгламаси тузилди:

$$Y = 3649,2 + 0,13x_1 - 0,48x_3 - 0,02x_4; \quad (3)$$

#### 4-жадвал

#### Хизмат кўрсатиш соҳасидаги аҳоли бандлигига таъсир этувчи омилларнинг корреляцион боғлиқлиги

№	Омиллар	Корреляция коэффициенти
1	ЯИМ ҳажми	0,9778
2	хизмат кўрсатиш соҳасига киритилган инвестиция	0,7287
3	иш ҳақи	0,9686
4	хизмат кўрсатиш соҳасидаги меҳнат унумдорлиги	0,9508

Ушбу тенглама ёрдамида регрессия коэффициентининг иқтисодий моҳиятини аниқлаш мақсадида эластиклик коэффициенти ҳисобланди. Бунга кўра, ЯИМ ҳажмининг ( $x_1$ ) 1 фоизга ошиши хизмат кўрсатиш соҳасидаги банд аҳолининг 0,13 фоизга кўпайишига, иш ҳақининг ( $x_3$ ) 1 фоизга кўпайиши эса хизмат кўрсатиш соҳасидаги аҳоли бандлигининг 0,48 фоизга камайишига олиб келади. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги меҳнат унумдорлигининг ( $x_4$ ) 1 фоизга ортиши эса хизмат кўрсатиш соҳасидаги аҳоли бандлигини 0,02 фоизга камайишига олиб келади. Булардан ташқари, хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсирини баҳолашда аҳолининг хизматлар билан таъминланганлик кўрсаткичлари

<sup>11</sup> Магнус Я.Р., Катышев П.К., Пересецкий А.А. Эконометрика. Начальный курс: учебник. -7-е изд., испр.-М.: Дело, 2005.- С. 78-79.

тизимидан фойдаланилди ва шу асосда соҳада аҳоли бандлигини ошириш имкониятлари аниқланди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳамда унинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги ролини ошириш йўллари**»га бағишланган бўлиб, унда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, кадрлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш муаммолари, аҳоли бандлигини таъминлашдаги ролини ошириш имкониятлари аниқланган.

Илмий изланишлар натижасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдаги муаммолар аниқланди ҳамда уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқилди. Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлашда ишга солинмаган имкониятлардан унумли фойдаланиш истиқболларини белгилаб беришга астойдил ҳаракат қилинди.

Иқтисодий тизимнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда таҳлил жараёнида олинган натижаларга асосланиб, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг қуйидаги устувор йўналишларини ишлаб чиқдик:

- хизмат кўрсатиш соҳасини диверсификациялаш, таркибий жиҳатдан чуқур ўзгартиришлар киритиш ва модернизациялаш асосида соҳа тармоқларида рақобат муҳитини шакллантириш;

- хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унумдорлигини ошириш;

- хизмат кўрсатиш соҳасини бошқаришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш, унинг моддий-техника базасини янгилаш ва айланма маблағларини кўпайтириш;

- хизмат кўрсатиш соҳасининг фан ва таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, банк-молия ва кредит тармоқларида давлат қўллаб-қувватлаш чораларини кучайтириш;


- мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида халқимиз урф-одатлари, кадриятлари ва анъаналаридан келиб чиққан ҳолда, эътибордан четда қолган хизмат турларини ривожлантириш;

- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида имтиёзли солиқ сиёсатини такомиллаштириш;

- хизмат кўрсатиш соҳасини малакали ва ёш кадрлар билан таъминлаш;

